



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Тошкент шаҳрида Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича бутунжаҳон конференцияси бўлиб ўтмоқда.



15 ноябрь куни бу анжуманга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъриф буюрди.

Конференция дунёда 2030 йилга қадар мактабгача таълим соҳасига оид сиёсатни белгилаб олиш ва бу борадаги халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган. Унда ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле, 150 га яқин мамлакатдан вазирлар ва вакиллар, халқаро ташкилотлар мутасаддилари қатнашмоқда.

Давлатимиз раҳбари нутқининг аввалида соҳа бўйича дунёдаги вазиятга тўхталиб, миллионлаб болаларнинг бошланғич билим олиш имконияти чеклангани, мутахассислар биргалашиб, мактабгача таълим қамровини ошириши муҳимлигини айтди. Ўзбекистонда "инсон қадр, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари — олий қадрият" деган тамойил асосида аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратилаётгани таъкидланди.

— Бу борада, авваламбор, ёшлар ва болаларга эътибор ва амалий ғамхўрлик кўрсатиш, уларни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Болаларни кичик ёшдан бошлаб ривожлантириш, уларнинг ўқиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш орқали келажақда ёшларнинг ўзлигини тўла намоён этишига мустаҳкам замин яратялмиш. Зеро, бу эзгу мақсадимиз йўлида сарфланган инвестициялар эртага

бир неча баробар ортиғи билан қайтишига шубҳа йўқ, — деди Шавкат Мирзиёев.

Илгари юртимизда мактабгача таълим билан қамраб олиш кўрсаткичи 27 фоизга тушиб қолган эди. Болалар боғчаларида замонавий қўлланмалар йўқ, бинолари таъмирталаб эди.

Шу боис, давлатимиз раҳбари бу бўғинга алоҳида эътибор қаратиб, баркамол авлодни айнан кичик ёшдан тарбиялаш сиёсатини белгилаб берди. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги фармонида мувофиқ, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Боғчалар қуриш ва таъмирлаш, илғор тарбия услублари ва методикаларини жорий этиш бўйича кўп ишлар бошланди.

Соҳани ривожлантириш учун хусусий сектор кириб келишига ҳам имконият яратилди. Ҳар бир тарбияланувчи бола учун давлат бюджети ҳисобидан субсидиялар бериш йўлга қўйилди. Олис ва чекка ҳудудларда минглаб оилавий боғчалар ташкил қилинди.

Натижада сўнгги йилларда мактабгача таълим муассасалари сони 6 баробарга кўпайди. Тарбиячи ва педагоглар сони ҳам 3 баробарга ўсиб, 160 мингга етди. Шу тариқа боғча ёшидаги 2 миллион 800 минг нафар боладан 2 миллион нафари мактабгача таълим билан қамраб олинди.

Давоми 2-бетда

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

15 ноябрь куни Тошкентда ўтаётган Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича бутунжаҳон конференцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош директори Одри Азуле билан учрашув ўтказди.



Ўзбекистон билан БМТ тизимидаги ушбу нуфузли институт ўртасидаги конструктив ва самарали ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Сермаҳсул шерикликнинг бугунги даражаси мамнуният билан қайд этилди. Мамлакат дастури ва қабул қилинган "йўл харитаси"га мувофиқ қўшма дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз илк бор Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш халқаро қўмитасининг аъзоси этиб сайланди. Бахшичилик санъати ва лазиз рақси номоддий маданий мерос рўйхатига киритилди.

Ўзбекистонда тарихий мерос объектларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича

халқаро маслаҳат қўмитаси фаолияти ва Минтақавий гуманитар ҳамкорликка оид "Хива жараёни" йўлга қўйилди.

ЮНЕСКО, шунингдек, мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида профессионал таълим тизимини ривожлантиришга техник кўмак кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида қўшма тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Учрашувда Одри Азуле Ўзбекистонда ёшларни қўллаб-қувватлаш, болаларга тарбия ва таълим бериш борасида амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳолади ҳамда улар, халқаро микёсда солиштирилганда, энг самарали бўлаётганини таъкидлади.

Бош директор мактабгача таълимни ривожлантириш масалаларига бағишланган Тошкент халқаро конференцияси муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади.

Янги Мамлакат дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Тошкент шаҳрида ЮНЕСКОнинг минтақавий марказини очишга, шунингдек, самарали ҳамкорлик доирасида қўшма ташаббус ва илғор лойиҳаларни илгари суриш бўйича янгиланган "йўл харитаси"ни тайёрлаш ва қабул қилишга келишиб олинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ВА ТАЪЛИМ БЕРИШ БЎЙИЧА БУТУНЖАҲОН КОНФЕРЕНЦИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли конференция қатнашчилари! Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азизларни Тошкент шаҳрида Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим беришга бағишланган бутунжаҳон конференциясининг очилиши билан чин қалбимдан табриклайман.

Халқаро анжуманда иштирок этаётган юқори мартабали меҳмонларимизга, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар вазирлари ва масъул вакилларига ўзининг самимий ҳурматим ва эзгу тилақларимни билдираман.

Ўзбекистон заминига хуш келибсиз, қадрли меҳмонлар! Ҳурматли дўстлар!

Халқаро конференциянинг очилиш маросимида ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле хонимнинг шахсан иштирок этаётгани бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Сўнгги йилларда ЮНЕСКО билан таълим, фан, маданий мерос, ахборот ва коммуникация соҳаларида ҳамкорлигимиз жадал ривожланиб бормоқда. Жумладан, мазкур ташкилот кўмағида юртимиздаги бутунжаҳон маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, қадимий Буюк ипак йўлида мавжуд бўлган маданий алоқаларни қайта тиклаш, таълим тизими сифатини ошириш ва баркамол авлодни тарбиялаш, Ўзбекистонда ёшларнинг меҳнат кўникмаларини ривожлантириш бўйича қатор муҳим дастур ва лойиҳалар самарали амалга ошириб келинмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Азуле хонимга ва барча чет эллик ҳамкорларимизга бу муҳим ва шарафли ишга қўшаётган ҳиссалари учун ташаккур изҳор этаман.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ҳозирги вақтда дунё микёсида кичик ёшдаги болаларни сифатли мактабгача таълим билан таъминлаш борасида қатор муаммолар мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Қўллаб-мамлакатларда қарийб 200 миллион бола мактабгача таълим билан қамраб олинмагани натижасида уларнинг бошланғич билим олиш имкониятлари чекланмоқда.

Ўз навбатида, кейинги бир неча йил давомида коронавирус пандемияси таълим соҳасига ҳам катта салбий таъсир кўрсатгани сир эмас. Мана шундай синовлар даврида барча давлатларнинг яқин ҳамкорлигини янада чуқурлаштириши, халқларимиз ўзаро бирлашиб, муаммоларни биргаликда ҳал этиши нақадар муҳимлигини аққол кўрсатмоқда.

Шу маънода, бугунги анжуманимиз ҳам Барқарор ривожланиш мақсадларининг муҳим йўналиши ҳисобланган болалар таълими масаласида барчамиз бир бўлиб, янги ёндашувлар ва ечимлар ишлаб чиқишимизга хизмат қилади, деб ишонаман.

Азиз дўстлар!

Биз "инсон қадр, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари — олий қадрият" деган тамойилдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб турмуш шароитини яратишни Янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Давоми 2-бетда

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга тадбиркорлик фаолиятини соддалаштириш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши. Бу борада яратилаётган шароитлар туфайли ишбилармонлар кўпайиб бормоқда. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ярмидан кўпи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Экспортда ҳам уларнинг ўрни юқори.

Бугунги кунда бизнесни тартибга солуви 6 мингдан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ва 40 мингга техник ҳужжатлар мавжуд. Айрим эски талаблар янги маҳсулотлар, технологиялар ва хизматларни жорий этишни қийинлаштирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг соддалаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги фармонида мувофиқ, Тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорларнинг замонавий фаолият юритишига тўқсинлик қилаётган талаблар қайта кўриб чиқилиб, бир қатор енгилликлар жорий қилинди.

Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ВА ТАЪЛИМ БЕРИШ БЎЙИЧА БУТУНЖАҲОН КОНФЕРЕНЦИЯСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Бу борада, авваламбор, ёшлар ва болаларга эътибор ва амалий ғамхўрлик кўрсатиш, уларни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Болаларни кичик ёшдан бошлаб ривожлантириш, уларнинг ўқиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш орқали келажақда ёшларнинг ўзлигини тўла намоён этишига мустаҳкам замин яратяпмиз. Зеро, бу каби эзгу мақсадимиз йўлида сарфланган инвестициялар эртага бир неча баробар ортиғи билан қайтишига шубҳа йўқ.

Шу билан бирга, бола шахсиятининг асоси айнан мактабгача таълим ёшида шаклланиши, бу даврда унинг интеллектуал ва жисмоний камолоти учун пойдевор яратилиши ҳаммамизга яхши маълум.

Ҳозирги пайтда юртимизда 3 миллионга яқин мактабгача ёшдаги болалар бор. Ҳеч шубҳасиз, улар бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз, ёруғ келажгимиз бунёдкорларидир.

Шуни ҳам айтиш жоизки, юртимизда яқин ўтмишда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш кўрсаткичи 27 фоизга тушиб қолган эди. Деярли барча мактабгача таълим ташкилотларида замонавий технологиялар ва қўлланмалар йўқ, бинолари таъмирталаб эди. Бу эса болаларимизнинг тўлақонли сифатли таълим ва тарбия олишини чеклаган.

Ҳолбуки, фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўгин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Биз ислохотларнинг биринчи кунлариданоқ мавжуд таълим соҳасини, хусусан, мактабгача таълимни тубдан модернизация қилишга қарор қилдик.

Шу мақсадда юртимиз тарихида илк бор алоҳида Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик.

Боғчаларни замон талабларига мос равишда янги босқичга қўтариш, илгор тарбия услублари ва методикаларини кенг қўллаш, моддий-ўқув базасини кучайтиришга катта эътибор қаратмоқдамиз.

Соҳани кенг ривожлантириш учун хусусий сектор кириб келишига ҳам қўлай шарт-шароитлар яратиб бердик. Боғчаларда ҳар бир тарбияланувчи бола учун Давлат бюджети ҳисобидан субсидиялар берила бошланди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда боғчалар сони 6 баробар қўлайди. Олис ва чекка ҳудудларда минглаб оилавий боғчалар ташкил этилди. Тарбиячи ва педагоглар сони ҳам 3 баробар

ўсиб, 160 мингга етди. Шунингдек, педагог кадрларнинг малакасини тизимли ошириб бориш ишлари ҳам йўлга қўйилди.

Ушбу чоралар натижасида боғчаларда таълим ва тарбия оладиган болалар сони 600 мингдан 2 миллионга етказилиб, қамров қўлами 70 фоизга чикди.

Ҳўрматли анжуман қатнашчилари!

“Таълим ва тарбияда танаффус бўлмайди”, деган ҳикматли ибора сизларга яхши таниш. Шу сабабли биз Ўзбекистонда олиб бораётган демократик ислохотларимиз жараёнида таълим тизимини замонавий талаблар даражасига қўтаришга устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Жумладан, ҳозирги вақтда мамлакатимизда 10 мингдан ортиқ ўрта таълим мактаблари фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда олиё ўқув муассасалари сони қарийб 2,5 баробар қўлайиб, 186 тага етди. Уларнинг 31 таси дунёдаги етакичи университет ва институтларнинг филиалларидир. Олийгоҳларга қабул квотаси 3.5 баробар ортганини, олий таълим қамрови эса 9 фоиздан 38 фоизга ошганини қайд этиш лозим.

Сизларга яхши маълумки, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган мамлакатимиз қадимдан жаҳон цивилизацияси ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келади.

Диёримиздан етишиб чиққан атоқли алломалар, алгебра фани ва алгоритм тушунчасига асос солган Ал-Хоразмий, минералогия фанининг тамал тошини қўйган Ал-Беруний, дунёда Авиценна номи билан танилган машҳур тиббиёт олими Ибн Сино, 1018 та юлдузнинг координатларини ва ҳаракатини аниқ белгилаб берган Буюк астроном Мирзо Улўғбек, Нил дарёсининг сатҳини ўлчовчи ноёб ускуна яратган аллома Аҳмад Фароғий каби улўғ аждодларимиз ўзларининг бебаҳо асарлари, илмий ва ижодий кашфиётлари билан ўрта асрлардаги Биринчи ва Иккинчи Шарқ Ренессанси ривожига улкан ҳисса қўшганлар.

Бу ҳақда сўз борар экан, ўтмишда Бухорода 300 дан ортиқ, Самарқандда эса 120 га яқин ўз даврининг университетлари бўлган мадрасалар фаолият кўрсатганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Азал-азалдан бизнинг юртимизда таълим билан бирга тарбия масаласига бекиёс аҳамият бериб келинади. Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳар томонлама уйғун ривожланган, юксак билим ва маънавият соҳиби бўлган комил инсон госяини илгари сургани сизларга яхши маълум.

XX аср бошида фаолият кўрсатган улўғ маърифатпарвар, атоқли адиб ва педагог Абдулла Авлонийнинг **“Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё**

мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деган сўзлари биз учун бугунги кунда ҳам муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз юртимизда Учинчи Ренессансни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига қўтармоқдамиз. Мактабгача таълим ва мактаб таълими, олиё ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Ўйғониш даврининг тўрт таянч устунни, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада биз ўзимизнинг миллий тажрибамиз ва жаҳондаги илгор ютуқларни уйғунлаштирган ҳолда фаолият олиб борамиз.

Барчамизга аёнки, таълим ва тарбия бор жойда албатта илм, албатта маданият ва тараққиёт бўлади. Таълим ва тарбия ривожланган жаҳиятда радикализм ва экстремизм кайфиятлари ҳеч қачон илгиз отолмайди.

Биз келгусида ҳам бў йўлда бошлаган ишларимизни изчил давом эттириб, 2025 йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини 80 фоизга етказиш учун барча зарур чораларни амалга оширамиз.

Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган кўрсаткичларга эришиш доирасида 2025 йилга қадар 6 ёшли болаларнинг 100 фоизини мактабга тайёргарлик дастури билан қамраб олишни мақсад қилиб олганмиз.

Ҳўрматли тadbир иштирокчилари!

Анжуманимизда жаҳоннинг 150 га яқин мамлакатидан вакиллар таширф бюргани бугунги кунда мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш глобал даражада боларб аҳамиятга эга эканидан яққол далолат беради.

Ишончим комил, мазкур конференция бутун дунёда 2030 йилга қадар мактабгача таълим соҳасига оид сиёсатни белгилаб олиш ва шу орқали ёш болаларга сифатли таълим бериш йўлида халқаро ҳамкорлиқни янада кенгайтиришда янги имкониятлар яратади. Шулардан келиб чиқиб, биз қўйидаги муҳим тақлифларни илгари суришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, шиддатли дунёда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган давримизда энг замиф қатлам бўлган мактабгача ёшдаги болалар ҳам жиддий азият чекмоқда.

Шу сабабли кичик ёшдаги болалар учун сифатли таълим бериш муаммоларини глобал даражада самарали ҳал этиш, бу масалаларга

биргаликда тезкор ечимлар ва тизимли ёндашувларни ишлаб чиқиш жуда долзарбдир. Бунини инобатга олиб, мазкур халқаро конференцияни мунтазам равишда ўтказиб боришни тақлиф этамиз.

Иккинчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун бўлган таълим бўйича барча саъй-ҳаракатларимизни тизимли мувофиқлаштириш мақсадида Тошкентда ЮНЕСКОнинг минтақавий марказини ташкил этиш ташаббусимизни маъқуллайсизлар, деб ишонаман.

Шунингдек, Кичик ёшдаги болалар таълими бўйича жаҳон ташкилотли билан қўшма лойиҳа ва тадқиқотларни олиб бориш, тарбиянинг янгича услубларини ва методик қўлланмаларни тайёрлаш учун кенг қамровли дастурни ишлаб чиқишни тақлиф этаман.

Шу билан бирга, мазкур йўналишда жаҳонда тўпланган илгор тажрибалар, замонавий интерактив ўқитиш услублари, амалий билим ва қўникмалар билан ўзаро алмашиш мақсадида Тарбиячилар халқаро ҳамжамятини ташкил этиш ташаббусини илгари сураим.

Учинчидан, 2024 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотли томонидан ўтказиладиган Келажак саммитининг умумий кун тартибидagi асосий мавзулардан бири сифатида кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш масаласини киритиш ҳамда унга алоҳида сессияни бағишлаш муҳимдир.

Бугунги конференция яқунлари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотли Бош Ассамблеясининг болалар тарбияси масалалари умумбашариий тараққиётга эришишнинг муҳим омилли экани тўғрисида махсус резолюциясини қабул қилишни тақлиф этиш айни муддао бўлар эди. Ушбу ҳужжатда ота-оналарнинг болаларнинг сифатли таълим ва тарбия олиши, маънавий ва жисмоний баркамоллигини таъминлашдаги ролини, уларнинг қўбиллати ва салоҳиятларини тўлиқ намоён этиш борасидаги масъулиятини янада ошириш каби масалалар ўз ифодасини топиши лозим.

Мўхтарам хонимлар ва жаноблар!

Бугунги конференция қизгин мунозара ва ўзаро фикр алмашувлар руҳида ўтишига, унда янги ғоя ва ташаббуслар, аниқ тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилишига ишонаман.

Анжуман яқунлари бўйича қабул қилинадиган Тошкент декларацияси келгусида ушбу йўналишда биз биргаликда амалга оширадиган сазъй-ҳаракатларимиз учун асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга мустаҳкам саломатлик ва омадлар, анжуман ишига эса улкан муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари таълим тизимидаги узвийлик масаласига ҳам тўхтади. Юртимиздан етишиб чиққан Буюк мутафаккирлар икки бор ўйғониш даврига асос солгани, бугунги ва келажак авлодлар ҳам илмга интилиши кераклиги таъкидланди.

— Биз юртимизда Учинчи Ренессансни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига қўтармоқдамиз. Мактабгача таълим ва мактаб таълими, олиё ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Ўйғониш даврининг тўрт таянч устунни, деб ҳисоблаймиз, — деди Президент.

Бу борада миллий тажриба ва жаҳондаги илгор ютуқларни уйғунлаштирган ҳолда иш юритилмоқда. Бунини изчил давом эттириб, 2025 йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини 80 фоизга етказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Президенти соҳада халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, кичик ёшдаги болалар учун сифатли таълим муаммоларини глобал даражада самарали ҳал қилиш, биргаликда тезкор ечимлар ва тизимли ёндашувлар ишлаб чиқиш мақсадида мазкур халқаро конференцияни мунтазам равишда ўтказиб бориш тақлифи билдирилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун бўлган барча саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун Тошкентда ЮНЕСКОнинг минтақавий марказини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Кичик ёшдаги болалар таълими бўйича жаҳон ташкилотли билан қўшма лойиҳа ва тадқиқотлар олиб бориш, тарбиянинг янгича услублари ва методик қўлланмаларни тайёрлаш учун кенг қамровли дастур ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Соҳадagi илгор тажрибалар, замонавий интерактив ўқитиш услублари, амалий билим ва қўникмалар билан ўзаро алмашиш мақсадида тарбиячилар халқаро ҳамжамятини ташкил этиш ташаббусини баён этди.

2024 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотли томонидан ўтказиладиган Келажак саммитининг асосий мавзуларидан бири сифатида кичик ёшдаги болаларга таълим-тарбия бериш масаласини киритиш муҳимлиги таъкидланди.

Конференция турли мавзулардаги шубҳа йиғилишлари билан давом этди. Анжуман яқунлари бўйича Тошкент декларацияси қабул қилинади.

ЎЗА

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, тадбиркорлиқни давлат томонидан тартибга солиш воситалари аниқ белгиланди. Булар давлат рўйхатидан ўтказиш, лицензиялаш ва рухсат бериш, техник тартибга солиш, тариф ва нотариф тартибга солиш, мажбурий суғурта, давлат назорати, рақобатни ҳимоя қилиш, жавобгарлик ўрнатиш кабилардир.

Таҳлиллардан келиб чиқиб, қўллаб тартиб-таомиллар ҳам қисқартирилди. Масалан, тадбиркорлик субъектининг устав фонди камайитирилаётганда кредиторларни ёзма равишда хабардор қилиш, электр энергияси ортиқча истеъмол қилинганда уни узиб қўйиш, яқка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимларни солиқ органларида алоҳида ҳисобга қўйиш каби жараёнлар кўп оворагарчиликка сабаб бўляпти. 2023 йил 1 январдан бундай мажбурий талаблар бекор қилинади.

Шунингдек, тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларнинг ягона реестрини жорий қилиш мўлжалланган. У икки босқичда қилиниб, 2025 йил 1 июлдан тўлиқ ишга туширилади. Бу реестрга киритилмаган талаблар бўйича тадбиркорга нисбатан жавобгарлик белгилаш тақиқланади.

Президентимиз шу йил 22 август кўни бўлган тадбиркорлар билан очик мулоқотда соҳани рақамлаштириш, ҳужжатларни қоғоз шаклида сақлашни камайитириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Илгари амал қилган тартибга кўра, юридик шахснинг иш ҳақлари ва бошқа даромадлари, улар бўйича ҳисобланган солиқ суммалари тўғрисидаги ҳужжатлар 75 йил давомида қоғоз ҳолида сақланиши керак эди. Улар солиқ идоралари базасида борлиги учун янги фармон билан уларни қоғозда сақлаш бекор қилинди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ўзларининг ички бухгалтерия билрамчи ҳужжатларини ахборот тизимлари орқали тузганда, уларни қоғоз шаклида юришидан озод этилмоқда. Бу ўзгаришлар натижасида 587 мингта қорхона қоғозбозлиқдан қутулиб, иши енгиллашади.

Шунингдек, 2023 йил 1 январдан бошлаб солиқ органларига молиявий ҳисоботларни ҳар чоракда тақдим қилиш, 9 хил статистика ҳисоботларини топшириш амалиёти бекор қилинди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларнинг ахборотини тинглаб, ушбу фармон ижросини самарали ташкил этиш, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини юриштини соддалаштириш, қўлай бизнес муҳитини яратиш ишларини изчил давом эттиришга кўрсатма берди.

ЎЗА

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

ТАЪЛИМГА САРМОЯ КИРИТИШ МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ УЧУН ҚЎЙИЛГАН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ҲИСОБЛАНАДИ

15 ноябрь кўни Тошкентда ЮНЕСКОнинг Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш масалалари бўйича бутунжаҳон конференцияси (Глобал форум) ўз ишини бошлади. Анжуман 2030 йилгача мактабгача таълим соҳасида сиёсатни белгилашда халқаро ҳамкорлиқни кенгайтиришга қаратилган. Унинг ишида ЮНЕСКО Бош директори Одрн Азуле, 150 га яқин давлат вазирлари, халқаро ташкилотларнинг расмий вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қатнашди ва иштирокчиларни қўтлади.

— Биз юртимизда Учинчи Ренессансни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига қўтармоқдамиз. Мактабгача таълим ва мактаб таълими, олиё ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Ўйғониш даврининг тўрт таянч устунни, деб ҳисоблаймиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Президенти бу борадаги халқаро ҳамкорлиқни

кенгайтириш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, мактабгача ёшдаги болаларни сифатли таълим билан таъминлаш муаммоларини жаҳон миқёсида самарали ҳал этиш, ҳамкорликда тезкор ечимлар ва тизимли ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадида мунтазам равишда халқаро конференция ўтказиш тақлиф этилди.

БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ, таълим соҳасидаги сазъй-ҳаракатларни тизимли мувофиқлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида ЮНЕСКОнинг минтақавий марказини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Кичик ёшдаги болалар таълими бўйича жаҳон ташкилотли билан қўшма лойиҳа ва тадқиқотларни олиб бориш, тарбиянинг янгича

услубларини қўллаш ва методик қўлланмаларни тайёрлаш учун кенг қамровли дастурни ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Бу йўналишда жаҳонда тўпланган илгор тажрибалар, замонавий интерактив ўқитиш услублари, амалий билим ва қўникмаларни ўзаро алмашиш мақсадида Тарбиячилар халқаро ҳамжамятини ташкил этиш тақлиф этилмоқда.

БМТнинг 2024 йилда бўлиб ўтадиган Келажак саммити умумий кун тартибининг асосий мавзуларидан бирига ёш болаларни тарбиялаш ва ўқитиш масаласини киритиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи хорижий форум иштирокчилари ва экспертларда катта қизиқиш уйғотди.

Зейн АЛ-ОБИДИН, Малайзиянинг Негери-Сембилан штати қироллик оиласи шаҳзодаси:

— Аввало, сизларни Тошкент шаҳрида ЮНЕСКОнинг Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим беришга бағишланган бутунжаҳон конференцияси муваффақиятли очилгани билан табриклаймман.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, бугунги кунда бутун дунёда кичик болаларга сифатли таълим-тарбия бериш борасида қатор муаммолар мавжуд. Қўлгина мамлакатларда 200 миллионга яқин бола мактабгача таълимга жалб этилмагани уларнинг бошланғич таълим олиш имкониятини чеклайди. Коронавирус пандемияси бу соҳага катта салбий таъсир кўрсатди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда таълим соҳасини, айниқса, мактабгача таълим тизимини модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган муваффақиятли қадамларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Иختисослаштирилган Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш, боғчалар фаолиятини замон талаблари асосида тако-

миллаштириш ва сонини қўпайтириш, таълимнинг илгор усулларини кенг қўллаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида аниқ чора-тадбирлар эътиборга молик.

Мазкур чора-тадбирлар натижасида боғчаларда таълим ва тарбия олаётган болалар сони 600 минг нафардан 2 миллионга қўпайгани, уларни қамраб олиш даражаси 70 фоизга етгани қувонарлидир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг мазкур халқаро конференцияни мунтазам ўтказиш, 2024 йилда бўлиб ўтадиган БМТнинг Келажак саммити умумий кун тартибининг асосий мавзуларидан бирига мактабгача таълим масаласини киритиш борасидаги ташаббуслари, айниқса, катта аҳамиятга сазовор.

Малайзиянинг манфаатдор ва зирлик ва идораларини тадбир яқунлари ва мамлакатларимиз ўртасида таъриба алмашишни кучайтириш бўйича Ўзбекистоннинг илгор таърибаси билан таништириш ниятидаман.



Лариса ШЕВЧЕНКО, ЮНЕСКО шафелигидagi Бутунжаҳон мактабгача таълим ташкилотли ОМЕР Россия қўмитаси президенти, Москвадаги “Болалик олами” хусусий болалар боғчалари тармоғи директори:



Фурсатдан фойдаланиб, ушбу тадбирга тақлиф этишгани ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдираман. Мамлакатингиз бизни ўзгача самимийлик ва неқбинлик билан қабул қилди, бунини мен юртингизнинг ўзига хос “таширф қоғози”дек қабул қилдим.

Ўзбекистонга таълим соҳасидаги ислохотлар дастурини амалга оширишда, жумладан, болаларнинг сифатли таълим олиш ҳуқуқини таъминлашда янада улкан муваффақиятлар тилайман.

Замира АЗИЗХАНОВА
“Дунё” АА



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

НУҚТАИ НАЗАР

СУВ ДИПЛОМАТИЯСИ

Марказий Осиё минтақасида ундан фойдаланишнинг самарали ечими



Шавкат ҲАМРОЕВ,
сув ҳўжалиги вазири

Марказий Осиё заминида деҳқончилик, экинни сўғориш илми, ер усти ва ер ости ирригация иншоотларини барпо этиш тажрибаси минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топиб келган. Аждодларимиз обиҳаётнинг бир томчисини ҳам исроф қилмасдан, унумли фойдаланиб, сув бўйларида ҳамжихатликда фаровон ҳаёт кечирган. Дарё ва сойлар ўзаниларини бошқариб, ариқлар қазиб, сув чиқарган, турли экин етиштириб, манзилларни обод этган. Шу боис, сув Марказий Осиё халқлари тинчлиги ва фаровонлигини таъминловчи энг муҳим неъматлардан бири сифатида ҳам шундай қадр-қимматга эга.



Яқин тарихимизда, яъни 2017 йилгача бўлган бир неча ўн йил давомида минтақада сув ресурсларидан баҳамжиҳат фойдаланиш борасида муаммолар тўпланиб қолган эди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида бу масалага алоҳида тўхталар экан, “Ишончим комил, сув муаммосини ҳал қилишнинг минтақа мамлакатлари ва халқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ”, деганди.

2018 йил 15 март куни давлатимиз раҳбари Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Остона шаҳрида бўлиб ўтган биринчи маслаҳат учрашувида минтақанинг барча республикалари билан умумий чегарага эга Ўзбекистон тараққиётининг чегаралар хавфсизлигидан сув ресурсларини оқилона тақсимлашгача бўлган барча муҳим ҳаётли масалаларни ҳал этиш қўшни давлатлар билан муносабатларга бевосита боғлиқ эканини таъкидлади.

2019 йил 29 ноябрь куни Тошкент шаҳрида ўтган навбатдаги маслаҳат учрашувида Президентимиз сувдан фойдаланиш борасидаги муаммоларни ҳал этишга доир ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқишни таклиф этди.

Бу оқилона сиёсат, саъй-ҳаракатлар, охириги беш йилда қўшни давлатлар билан йўлга қўйилган ўзаро дўстона ва ишончли алоқалар Марказий Осиё минтақасидаги трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланишга мустаҳкам замин яратди. Қўшни давлатларга ташрифлар давомида трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масаласи энг юқори даражада муҳокама қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари билан сув масалалари бўйича алоқаларни Оролни кўтқариш халқаро ҳамғармаси ва Давлатлараро сув ҳўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясида, сувдан фойдаланиш бўйича ҳўкуматлараро ишчи гуруҳлар доирасида изчил ривожлантирмоқда. Охириги йилларда Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон билан ўзаро ҳамкорлик ва эришилаётган келишувлар натижасида Сирдарё ва Амударё ҳавзасида сув таъминоти даражасини яхшилаш бўйича ижобий натижаларга эришилипти.

Жўмладан, Ўзбекистон Сув ҳўжалиги вазирилиги, Қозғистон Экология, геология ва табиий ресурслар вазирилиги ҳамда Тожикистон Энергетика

мамлакатлари билан сув ҳўжалиги соҳасига оид ҳўкуматлараро ва идоралараро қарийб 20 та ҳўжжат имзолангани диққатга сазовор.

Инсоният тараққиётининг энг юқори чўққиларига кўтарилган бугунги кунда обиҳаётга эҳтиёж муттасил ортиб борапти. Шу билан бирга, Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатларнинг сув йўллари ва сув олиш манбалари бир-бири билан узвий боғлиқлиги, қўшни давлатлар билан доимий тарзда “сув дипломатияси”ни юритмаслигининг илоҳи йўқ.

Сирдарё ҳавзасига Қирғизистондан Норин ва Сўх дарёлари, Оқбўрасой, Аравонсой, Мойлисой, Шохимардонсой, Исфайрамсой каби ўнлаб сойлардан сув кириб келади. Ўзбекистондан Ўнқирғок, Савай, Жанубий Фарғона, Қарқидон тўйинтирувчи каналларидан қардош давлат ҳудудига сув етказиб берилади.

Тожикистонга Катта Фарғона ва Шимолий Фарғона каналлари орқали сув берилади. Шу билан бирга, Тожикистоннинг Бахри тожик сув омборига Ўзбекистон ҳудуди орқали Сирдарё дарёсидан вегетация даврида ўртача 300 метр куб/сония миқдорида сув қўйилади. Бунинг ҳисобига Бахри тожик сув омборидан ўртача 500-550 метр куб/сония миқдорида сув чиқарилади.

Бахри тожик сув омборидан Тожикистоннинг Сўғд вилояти экин майдонларига насослар ҳамда Юқори Далварзин канали орқали сув олинади. Бундан ташқари, ушбу сув омборидан чиқарилган сув ҳисобидан Тошкент вилоятининг Бекобод тумани Қўйи Далварзин ва Бекобод каналлари орқали, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари Жанубий Мирзачўл ва Дўстлик каналлари орқали ҳамда Қозғистоннинг Туркистон вилояти Еттисой ва Махтаарал туманларидаги экин майдонлари Дўстлик канали орқали сўғорилади.

Чорвоқ сув омборидан чиқарилган сув Зах, Хонум ва Катта Келес каналлари орқали Қозғистоннинг Туркистон вилояти Саригоч, Қазигурт туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Келес, Тошкент, Зангиота, Қўрай ва Чиноз туманлари ҳудудидаги экин майдонларини сўғоришга хизмат қилади.

Қозғистон ҳудудидаги Чордара сув омборидан Ўзбекистон ҳудудидаги Арнасай сув омборига сув олиш имконияти мавжуд.

Амударёдан Сурхондарё вилоятида Аму-Занг, Қашқадарё вилоятида Қарши магистрал канали насос станциялари

“ СУВ ҲўЖАЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА СўНГГИ ЙИЛЛАРДА 157 ТА ЛОЙИҲА ЮЗАСИДАН ХУСУСИЙ ШЕРИКЛАР БИЛАН БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ ҲАМДА 214,1 КИЛОМЕТР ИРРИГАЦИЯ ВА 538,6 КИЛОМЕТР МЕЛИОРАЦИЯ ТАРМОҒИ, 126 ТА НАСОС СТАНЦИЯСИ ВА 132 ТА ҚУДУҚ ХУСУСИЙ СЕКТОР БОШҚАРУВИГА БЕРИЛДИ.

каскадининг 6 та насос станцияси Туркменистон ҳудудида жойлашган бўлиб, ўзбекистонлик сувчилар қўшни давлат ҳудудига ўтиб, уларни ишлатади.

Туркменистон Амударёдан ўз ҳудудидаги Қорақум ва бошқа каналлар ҳамда кичик насос станциялари орқали сув олади.

Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон ҳамда Туркменистоннинг Тошовуз вилояти ҳудудларини сув билан таъминловчи Туямуён сув омбори икки мамлакат чегара ҳудудларида жойлашган. Ундан чиқариладиган сув Туркмандарё ҳамда Чапқирғоқ магистрал каналлари,

Мамлакатимизда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, сўғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, тизимга бозор тамойилларини, рақамли технологияларни кенг жорий этиш, объектларнинг ишончли ишлашини таъминлаш, шунингдек, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ҳамда Сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланган.



шунингдек, Туямуён гидроузелининг пастки қисми, Амударёнинг чап томонидан Хонёв, Жумабой соқа, Қилич-ниязбой ва Қипчоқ-Бўзсув каналлари орқали Тошовуз вилояти ҳудудларига етказиб берилади.

Сурхондарёнинг асосий ирмоқларидан бири бўлган Қоратоғдарё Тожикистон ҳудудидан бошланади, шунингдек, Жончекка-1, Жончекка-2, Хатиб, Шодмонқозоқ, Даюб каби бир қанча каналлар орқали қўшни давлат ҳудудидан Сурхондарё вилоятига сув олинади.

Сўнгги йилларда икки давлат ўртасида муносабатларнинг яхшиланиши натижасида Тожикистондаги Варзоб дарёсидан Катта Ҳисор канали орқали Жанубий Сурхон сув омборига қўшимча равишда сув олиб келинмоқда.

Ушбу маълумотлар минтақамиз давлатлари муносабатларида “сув дипломатияси” ниҳоятда муҳим ва стратегик аҳамият касб этишини тасдиқлаб турибди.

Айни шу жараёнда сув тақчиллигини камайтириш учун сув тежовчи технологиялар жорий этиш ва сувни

Ушбу ҳўжжатлар асосида Сув ҳўжалиги вазирилиги сув ресурсларини самарали бошқариш, сув тежайдиган ва рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, ирригация-мелиорация ишлари, ерларни лазерли текислаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш чораларини кўрмоқда. Жорий йилда қўйи бўғинда сувни самарали бошқариш ҳисоби ва ҳисоботини тулиқ юритиш, истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнларга хусусий секторни кенг жалб қилиш мақсадида алоҳида қарор қабул қилинган.

Оралиқ бўғинлар йўқотилди ва ҳар бир туман ирригация бўлимида суви бевосита етказиб бериш ҳисоби ва ҳисоботини юритиш бўйича 161 та махсус хизмат ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 10 майдаги қарорига мувофиқ, Сув ҳўжалиги вазирилиги, йирик сув тақсимлаш иншоотлари ҳамда ҳудудларда 769 та сўғориш штаби ташкил этилди. 1 минг 469 та қўчма дизель ва бошқа турдаги насос агрегати қўшимча сув олиш учун коллектор-дренаж тармоқларига ўрнатилиб, ишга туширилди.

Таҳлилларга қўра, 2022 йил сўғориш даври, яъни апрель-сентябрь ойларида 29 миллиард метр куб сув етказиб берилди. Мавсум давомида 6,5 миллиард метр куб сув тежалишига эришилди. Йил охиригача яна 500 миллион метр куб сувни тежаж чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистонда давлат томонидан субсидия ва имтиёзлар берилиши ҳисобига олдинги йилларда бошланган ва ўз самарасини берган тизим — сувни тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича саъй-ҳаракатлар изчил давом

этирилди. Бугунги кунга қадар 904,4 минг гектар майдонда тежамкор технологиялар жорий этилди, унинг қўлами сўғориладиган майдонларнинг 24 фоизига етказилди.

Шу пайтгача тежамкор сўғориш усуналари ва бутловчи қисмлар, асосан, четдан келтириляётган эди. Шу боис, импортни қисқартириш, ички талабни қондириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар сонини ошириш доимий эътиборда турибди. Натижада 2019 йилгача ана шундай маҳаллий корхоналар сони Ўзбекистонда бор-йўғи 3 тани ташкил этган бўлса, ҳозир 46 тага етган. Уларда ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилиши ҳисобига маҳсулот таннархи бир гектар учун 25 миллион сўмдан 20 миллион сўмгача арзонлаштирилиб, импорт учун сарфланадиган валюта тежалишига эришилмоқда. Шу билан бирга, қўшни республикаларга экспорт қилиш имконияти ҳам яратилди.

Сувнинг аниқ ҳисоб-китобини юритиш, сувдан белгиланган лимит асосида фойдаланиш ҳамда истеъмолчилар ўртасида суви адолатли ва шаффоф тақсимлаш учун сув ҳўжалигида замонавий рақамли технологияларни жорий этиш муҳим вазифалардан.

Охириги йилларда сув ҳўжалиги объектиларида 9 600 та замонавий рақамли технология, жўмладан, 4 300 та “ақли сув” усунаси, мелiorатив кузатув қудуғида ер ости сизот сув сатҳини кузатиш имконини берувчи 4 мингта ва насос станцияларида сув миқдорини онлайн мониторинг қилувчи 1 минг 250 та қурилма ўрнатилди ҳамда 25 та йирик сув ҳўжалиги объектининг бошқарув жараёнлари автоматлаштирилди. 2023 йилда сув ҳўжалиги объектиларида 13 мингта рақамли қурилма ўрнатилади.

Қуриляётган чора-тадбирлар натижасида 2022 йилда 250 миллион кВт. соат электр энергияси иқтисод қилиниши кутилмоқда.

Жорий йил ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 223 та ирригация, 100 та мелиорация объектида умумий қиймати 1,2 триллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган. 1 ноябрь ҳолатига қўра, ирригация-мелиорация объектилари қуриш ва реконструкция қилиш бўйича жами 974,1 миллиард сўм капитал қўйилма ўзлаштирилиб, 70 та ирригация ва 37 та мелиорация объекти фойдаланишга топширилди.

472,9 километр очик, 184,5 километр ёпик коллектор-дренаж тармоғи, 15 та мелiorатив насос станцияси, 5 та кўприк, 91 та тик дренаж қудуқ ҳамда 341 та кузатув қудуғи қурилиб, реконструкция қилинди. Натижада 165 минг гектар майдоннинг сув таъминоти, 98 минг гектар ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланди.

Сув ҳўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик тамойилларини жорий қилиш мақсадида сўнгги йилларда 157 та лойиҳа юзасидан хусусий шериклар билан битимлар имзоланди ҳамда 214,1 километр ирригация ва 538,6 километр мелиорация тармоғи, 126 та насос станцияси ва 132 та қудуқ хусусий сектор бошқарувига берилди.

Мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 1,4 триллион сўмни ташкил этиб, улар доирасида дастлабки йилларда хусусий шериклар томонидан 141,5 миллиард сўм инвестиция кiritилди.

Сув ҳўжалиги объектиларини модернизациялаш, рақамли технология жорий этиш, соҳада замонавий бошқарув

усулларини қўллаш борасида БМТ Тараққиёт дастури, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги, Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси, Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти, Жаҳон сув кенгаши, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Шунингдек, Венгрия, Австралия каби давлатлар билан сув ҳўжалиги соҳасида яқиндан алоқалар йўлга қўйилляпти. Жорий йилнинг 3-6 октябрь кунлари Австралиянинг Аделаида шаҳрида сув ҳўжалиги соҳасида жаҳонда нуфузли ҳисобланган Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси (ИДХК) нинг 24-конгресси ўтказилди. Ушбу нуфузли ташкилот минбаридан Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан сув ҳўжалиги соҳасида улкан ислохотлар амалга ошириляётгани, Марказий Осиё минтақасидаги трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиляётгани, Орол денгизи ҳавзаси мамлакатлари билан суви бошқариш соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича олиб бориляётган ишлар Ўзбекистон раҳбариятининг доимий эътиборида экани ҳақида дунё ҳамтаъчилигига маълумотлар тақдим этилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон делегацияси Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси раҳбарияти, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашув ва музокаралар ўтказди. Жўмладан, Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси президенти Р.Рагаб Ўзбекистон сув ҳўжалиги соҳасида илғор тажрибага эга эканини, қўшни давлатлар билан ўзаро дўстона муносабатларда бу муҳим ўрин тўтишини таъкидлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон томони ИДХКга янги аъзоларни қабул қилиш, ташкилотга ёш мутахассис ва экспертларни жалб этишда амалий ёрдам кўрсатиши мақсадга мувофиқлигини маълум қилди.

Ўз навбатида, ИДХКнинг навбатдаги йиллик конгресс йиғилишларидан бирини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи билдирилди.

Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқаришда инновацион ёндашувга эга технологияларни жорий этиш бўйича Австралиянинг етакчи “Rubicon Water” компанияси вакиллари билан келгусида ҳамкорлик юзасидан икки томонлама музокаралар ўтказилди. Учрашув якунида Сув ҳўжалиги вазирилиги ва “Rubicon Water” компанияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Хорижий ҳамкорлар билан дўстона алоқалар натижасида мамлакатимиз сув ҳўжалиги соҳасига жалб этиляётган чет эл инвестициялари қўлами кенгайиб бормоқда. Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида 95,31 миллион АҚШ доллари миқдорида хориж инвестицияси ўзлаштирилиши режалаштирилса-да, амалда 100,57 миллион долларлик сармоа жалб этилгани бунинг тасдиғидир.

Дунёнинг қайси давлатига бормайлик, сувчиларнинг миллати бўлмайдик, сувчилар ягона халқ, ягона миллат, деган иборани кўп эшитамиз.

Ҳақиқатан ҳам, шундай. Қайси давлатда фаолият юритишдан қатъи назар, сувчилари аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларига обиҳаёт етказиб бериш, элюрт фаровонлигига хизмат қилишдек савобли амаллар бирлаштири туради. Шу маънода, бугунги кунда “сув дипломатияси”, аниқроқ айтганда, Ўзбекистон юритаётган сув сиёсати фақат ва фақат эзгуликка йўналтирилган.



ва сув ресурслари вазирилиги ўртасида Бахри тожик сув омборини 2022 йил июнь-август ойларида ишлаш бўйича уч томонлама келишув, шунингдек, Ўзбекистон, Қозғистон ва Қирғизистон ўзаро ҳамкорликда Тўхтағўл сув омборидан ёз ойларида сўғориш учун қўшимча сув чиқариш мақсадида электр энергиясини алмашиш юзасидан келишув имзоланган. 2021-2022 йилларда Марказий Осиё

“ 472,9 КИЛОМЕТР ОЧИҚ, 184,5 КИЛОМЕТР ЁПИҚ КОЛЛЕКТОР-ДРЕНАЖ ТАРМОҒИ, 5 ТА МЕЛИОРАТИВ НАСОС СТАНЦИЯСИ, 15 ТА КўПРИК, 91 ТА ТИК ДРЕНАЖ ҚУДУҚ ҲАМДА 341 ТА КУЗАТУВ ҚУДУҒИ ҚУРИЛИБ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНДИ.

каскади, Бухоро вилоятида Аму-Бухоро машина канали насос станцияси орқали сув олинади. Ўз навбатида, Қарши магистрал канали орқали Туркменистон ҳудудига сув етказиб берилади. Қарши магистрал канали насос станциялари

бошқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида ташаббускор бўлмоқда.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

САМАРҚАНД РУҲИ

ТУРКИЙ ДУНЁ ТАМАДДУНИНИНГ ЮКСАЛИШ ДАВРИ БОШЛАНДИ



Наим ОБЛОМУРОВОД, Тошкент молия институти профессори, тарих фанлари доктори

Бизнинг туркий заминда инсоният тамаддунининг илк намуналаридан тортиб, бутун оламни ҳозиргача ҳайратга солиб келётган ренессанслар ҳодисаси кузатилган. Аждодларимиз ўзининг қўллаб соҳада амалга оширган буюк ишлари билан бутун башарият тараққиётига бекиёс хизмат қилган ва илм-маърифат зиёсини таратган. Ўтган ҳафтада Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг саммити ўзаро бағрикенглик сиёсати, бирдамликда ривожланиш тенденциялари сари улкан қадам бўлди, тинчлик ва дўстлик рамзи сифатида доврўқ қозонди.

Муштарак мақсадлар қулами кенг

Туркий давлатлар ташкилотининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи Нахичеван битимига назар ташланса, энг аввало, халқлар ўртасидаги тарихий ришталар, умумий тил, маданият ва анъаналардан келиб чиқиб, ҳар томонлама ҳамкорликка киришиш ва бу муносабатларни чуқурлаштиришга қатъий интилиш кўриниб туради.

Ушбу мақсадларга эришиш учун Туркий давлатлар ташкилоти қошидаги тузилмалар фаол ишлаб турибди.



Президентимиз Самарқанд саммитидаги нутқда бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, жумладан, шундай деди:

“Биз Туркий дунё буюк тарихининг ёрқин саҳифалари улуг аждодларимиз томонидан биргаликда яратилгани билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ана шундай бебаҳо меросни сақлаб қолиш, уни чуқур ўрганиб, келгуси авлодларимизга безавол етказиш барчамиз учун энг асосий вазифадир”.

Мана шу нуктаи назардан қараганда, бугун туркий давлатлар олдида ниҳоятда катта вазифалар турганини англаш қийин эмас. Негаки, геосиёсий вазият тобора мураккаблашиб бораётган, глобал инқироз ва иқлим ўзгаришлари катта ҳавф туғдираётган ҳозирги таҳлика-ли шароитда барча давлатлар олдида жиддий муаммолар пайдо бўлмоқда.

Бундай вазиятда давлатларнинг ўзаро бирлашиши, муаммоларга ҳам-жиҳатликда, тенг манфаатлар назари билан ёндашишини даврнинг ўзи тақозо қилляпти.

Самарқанд саммитига йиғилган давлатлар раҳбарлари шу мақсад йўлида ўзаро муҳим келишувларга эришгани билан ҳам дунё эътирофини қозонмоқда.

Бирлашиш сари қутлуг қадамлар

Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига қўшилган пайдан буён ўтган қисқа даврда Президентимиз Шавкат Мирзиёев аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўмаклашиш бўйича 30 дан зиёд ташаббус ва тақлифларни илгари сурди.

Халқаро кузатувчилар Марказий Осиё минтақасидаги йирик давлат — Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо



МУНОСАБАТ

ҚОНУНИЙЛИК ВА ХОЛИСЛИК – БОШ МЕЗОН

Икром МУСЛИМОВ, Олий суд раиси ўринбосари

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 14 ноябрь куни одил судловни таъминлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда судлар фаолияти, аввало, инсон тақдирига, барча соҳалар тартиби ва тараққиётига дахлдор масала эканини алоҳида таъкидлади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, холислик, адолат ва қонунийликни таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Сўнгги олти йилда бу тизимга оид 50 дан ортқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинган.

Давлатимиз раҳбари одил судловни янада тақомиллаштиришга қаратилган бир қатор устувор вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, вилоят судлари масъулиятини ошириш, жиноят ишлари айблов ҳулосаси ва ҳимоячи фикри билан бирга қабул қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш, судьялар олий мактабини тубдан ислоҳ қилиш, туман ва вилоят судлари учун мол-мулк, оила, солиқ, меҳнат муносабатларига ихтисослашган судьялар тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди. Судьялар ҳамжамиятининг ваколатларини кучайтириш, судьялар сонини босқичима-босқич кўпайтириш тақлифи маъқулланди.

2021 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, учта муҳим ҳуқуқий институт — қўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш, жиноят



иши бўйича дастлабки эшитув, айбга иқдорлик тўғрисида келишув амалиётга жорий этилди.

Энди ушбу институтларнинг мазмун-моҳиятига тўхталадиган бўлсак, қўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш — гувоҳ ва жабрланувчини ишни судга қадар юритиш босқичида прокурорнинг илтимосига асосан сўроқ қилиш бўлиб, бу суд томонидан амалга оширилади. Гувоҳ ва жабрланувчини объектив сабабларга кўра кейинчалик сўроқ қилиш мумкин бўлмай қоладиган ҳолларда уларнинг қўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин.

Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув жиноят ишини тўхтатиб туриш, тугатиш, бирлаштириш, айблов даълолатномаси ёки ҳулосасини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни прокурорга юбориш ҳамда номақбул далилларни чиқариб ташлаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади. Дастлабки эшитувни ўтказиш давомийлиги 10 суткадан ошмаслиги керак. Бу амалиётда турли пала-партишликлар ва ортиқча

оворагарчиликларнинг олдини олишга ҳисса қўшади.

Айбга иқдорлик тўғрисида келишув — ўта оғир жиноят ҳисобланмайдиган жиноятлар бўйича айбга иқдор бўлган, жиноятни очигиға қўмаклашган ва зарарни бартараф этган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан прокурор билан тузилладиган институт ҳисобланади. Айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузилганда жиноятлар бўйича жазо белгиланган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаган ҳолда тайинланади. Бу тарафларга енгиллик яратиши борабарда жамиятда инсонпарварлик тамойилларининг кенг ёйилишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, ушбу қонун билан жиноят ишида ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар кенгайтирилгани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Эндиликда шахс амалда ушланган ёки уни ушлаш билан боғлиқ тезкор қидирув тадбири якунланган пайдан бошлаб, у билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар амалга оширилгунга қадар ҳимоячи билан холи учрашиши таъминланади. Тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан аризалар, тушунтириш ва қўрсатувлар олиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан фақат ҳимоячи иштирокида амалга оширилади. Албатта, ҳимоячидан воз кечилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушлаб туриш муддати шахс амалда ушланган пайдан эътиборан кўпи билан 48 соатни ташкил этади. Илгари бу муддат шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилган вақтдан бошлаб ҳисобланган.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар таснифи тақомиллашди. Бу ҳолатлар тоифасига дастлабки эшитув ўтказилаётган, ўта оғир жиноят содир

этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамогига тартибдаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқилаётган ҳамда айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузилган ишлар киритилди.

Жиноят ишини қўшимча тергов юри-тиш учун қайтариш институти бекор қилинди ва далилларга баҳо бериш институти тубдан тақомиллаштирилди. Бу, ўз навбатида, иш бўйича барча ҳолатлар суд томонидан ҳар томонлама текширилиб, далилларга ҳолисона баҳо берилган ҳолда оқлов ҳужжатлари кўпайи-шга асос эъланди.

Бу ҳақда сўз борганда, айрим ра-қамларга тўхталиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, мамлакатимиз судлари томо-нидан 2017–2021 йилларда 3 минг 702 фуқаро оқланган, 20 минг 121 нафар суд залидан озод қилинган. Биргина шу йилнинг ўтган 10 ойда 760 шахс оқла-ниб, реабилитация қилинди. Суд зали-дан озод қилинган фуқаролар сони 6 минг 917 нафар бўлди.

Шу даврда 47 минг 340 судланган-нинг 31 минг 318 нафарига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги жазолар тайинлангани, 1178 фуқаро шартли ҳукм қилингани ҳам суд-ҳуқуқ тизимидаги ижобий ўзга-ришларга яққол мисол бўла олади.

Бундан ташқари, 47 минг шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташлан-ди ёки қайта малакаланди. Ярашув институтининг самарали қўлланиши натижасида 12 минг 310 фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг жиноят ишлари бўйича суд-лов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибда 12 минг 43 шахсга нисба-тан 8744 та жиноят иши кўриб чиқил-ди. 856 шахсга нисбатан қуйи судлар



Ўзбекистон Президенти Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған ҳамда Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовни “Туркий дунёнинг Олий ордени” билан мукофотлади. Шунинг-дек, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған “Олий даражали Имом Бухорий” ордени билан тақдир-ланди.

Иштирокчи давлатлар томонидан жаҳонда рўй бераётган воқеаларнинг жаддаллашуви ва халқаро муносабат-лардаги ўзгаришлар Туркий давлатлар ташкилотини замонавий воқеликка дои-мий мослаштириш зарурлигини тақозо этиши айтиб ўтилди. Президентимиз ўз нутқида ташкилот доирасидаги кўп қирralи ҳамкорлиқнинг долзарб маса-лалари бўйича қатор тақлиф ва амалий ташаббусларни илгари сурди.

Аввало, ўзаро товар айирбошлаш ҳажимини кўпайтириш, “яшил” иқтисо-диёт, ахборот технологиялари ва транс-порт коммуникацияларини ривожланти-риш орқали савдо-иқтисодий алоқалар асосларини мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди. Ушбу гоёларини амалга ошириш мақсадида ташкилот шафе-лигида “Янги иқтисодий имкониятлар маконлари”ни шакллантириш, Халқаро

туркий иқтисодий форумни ўтказиш, транспорт соҳасида ҳамкорлик страте-гиясини ишлаб чиқиш тақлиф этилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, ташкилот маконида озиқ-овқат маҳсу-лотларини етказиб беришнинг самар-али механизмларини шакллантириш бўйича битим тузиш ва ушбу ҳужжат орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъ-минлаш мақсадида қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни янада мус-таҳкамлаш муҳимлигига алоҳида урғу берди. Ёшлар ўртасида ҳамкорликка эътибор қаратиб, келаси йили Туркий давлатлар ёшларининг фан ва инно-вациялар бўйича халқаро конгрессини ўтказишни тақлиф қилди.

Бундан ташқари, Президентимиз ташкилотнинг институционал исплоҳот-ларини амалга ошириш масаласини олға суриб, хавфсизлик, савдо, инвес-тиция, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, туризм, фан ва технология, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда қўмиталар ташкил этиш тақлифини ил-гари сурди.

Аъзо давлатлар Ўзбекистон Президентининг келатган 2023 йли-ни “Туркий цивилизациянинг юксалиши йили”, деб эълон қилиш тўғрисидаги тақ-лифини бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Саммит доирасидаги яна бир муҳим воқеа — аъзо давлатларнинг Самар-қандни “Туркий цивилизация пойтахти” деб эълон қилиш ҳақидаги қарори бўлди.

Мартабали меҳмонлар Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонига ташриф буюриб, қардошлик ва дўстлик рамзи сифатида дарахт экиш маросимида иштирок этди. Бунда ҳам катта рамзий маъно мужассам.

Гап шундаки, ташкилотда бугунги кўннинг энг долзарб муаммоси бўл-ган экология масалаларига алоҳида аҳамият қаратилиб, табиатни асраш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда Президенти-миз ташаббуси билан “Яшил макон” дастури амалга оширилмоқда. Бундай лойиҳалар Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркменистон ва Венгрияда ҳам бор, албатта.

Тадбирда дарахт экиш халқлари-миз қадрияти, бугунги муштарак инти-лишлар тимсоли экани таъкидланди. Маросим ташкилотга аъзо давлатлар пойтахтлари ва мамлакатимиз ҳудуди-да видеоалоқа орқали кўрсатилди. У ерларда ҳам минглаб қўчатлар экилди. Шу тариха дарахтзорларни кўпайтириш ҳаракати кенг қулоч ёзди.

Президентимиз ташкилот нуфузини янада мустаҳкамлаш, тарихи, тили ва маданияти муштарак бўлган қардош халқларимиз ва давлатларимиз ўрта-сидаги ҳамкорликни юксак поғонага олиб чиқиш ниятида эканини қайд этди.

Шубҳасиз, Самарқанд саммити бу йўлдаги муҳим босқич бўлади. Ўзбе-кистон Президентининг дипломатия-си тўғрисида бугун Самарқанд изчил равишда конструктив ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва дўстлик тимсоли сиф-фатида муваффақиятли дипломатия майдонга айланиб бормоқда. Шу са-бабли, яратувчан “Самарқанд руҳи” ўзаро тараққиёт ва ривожланишга қаратилган туркий давлатлар ҳамкорли-гининг янада юксалишида ҳал қилув-чи ўрин тутди.

натижаларини олдиндан башорат қи-лишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга (босим ўтказишга) ҳақли эмас. Судьянинг суд қарори қонуний қучга қирмаган иш бўйича интервью бериши ёхуд оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилиши тақиқланади. Суд му-ҳокамаси ошкоралиги процесс ишти-рокчисига бўлмаган шахсларга, шу жум-ладан, оммавий ахборот воситалари вакилларига суд мажлисида қатнашиш имконияти берилиши билан таъминла-нади.

Кези келганда айтиш керакики, ама-лиётда айрим шахслар ва блогерлар томонидан ушбу қонун талабларига зид равишда фаолият юритиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Улар суд фаолияти-га асоссиз аралашуш, олдиндан турли таҳминлар билдириш, биринчи ва апел-ляция судлари ҳукми ёки ақрмларини нотўғри, деб топиш, бир тарафининг ёни-ни олиш билан шўғулланмоқда.

Яна бир муҳим масала жиноят иш-лари бўйича чиқарилган суд қарорла-рига нисбатан шикоят бериш ваколати билан боғлиқ. Аниқроқ айтганда, қо-нунчиликда суд қарорларига нисбатан шикоят бериш ваколатига эга бўлган шахслар доираси қатъий белгилаб қў-йилган. Аммо ушбу қонун талабларига зид равишда судланганларнинг қарин-дош-уруғлари ҳам жиноят ишини қай-та қўриш ёки бошқа талаблар билан шикоят қилиш ҳолатлари ортиб бор-моқда. Бу омма ўртасида турли асос-сиз тушунмовчиликларни келтириб чиқариши билан бирга, судьялар иш ҳажмининг сунъий равишда ошишига сабаб бўлмоқда. Энг ёмон, бу қиммат-ли вақтинч бехуда совурилишига олиб келмоқда. Шу боис, фуқароларни қонун талабларига қатъий риоя этиш, ортиқ-ча шикоятбозлик ва оворагарчилик-ларнинг олдини олишга даъват этишни жоиз топдик.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда судларнинг халқга янада яқинлашиши, судьялар ва суд ҳодимларининг халқ орасига кириб бори-ш суд фаолияти очкилиги, холислиги ва шаффофлигига нисбатан жамоатчи-лик ишончини тубдан оширмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИ

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Япон ёзувчиси Масару Ибуканинг “Учдан кейин кеч” номли китоби куйидаги фикрлар билан бошланади: “Қадим замонлардан буён ноёб қобилият, энг аввало, ирсий ва табиат инъоми деб ҳисобланади. Бизга “Моцарт уч ёшида пианино чалган” ёки “Жон Стюарт Милл лотин тилидаги мумтоз адабиётларни ҳам айнан шу ёшда ўқиган”, десалар, кўпчилигимиз оддийгина қилиб: “Албатта, ахир улар даҳо-ку”, деб қўя қоламиз. Аммо Моцарт ва Миллнинг гўдаклик чоғидаги ҳаёти борасида олиб борилган чуқур таҳлиллардан маълум бўлишича, уларнинг оталари ўз фарзандлари буюк шахс сифатида камол топиши учун жиддий тарбия усулларидан фойдаланган. Менинг фикримча, Моцарт ҳам, Милл ҳам даҳо бўлиб дунёга келмаган. Уларнинг қобилияти гўдаклигиданоқ яратилган қулай шарт-шароит ва самарали таълим-тарбия маҳсулидир”.



Аслида, ҳар бир бола ўзига хос даҳо. Фақат биз, тарбия учун масъуллар улардаги бу иқтидорнинг рўёбга чиқишига кўмаклашишимиз лозим. Тарбия ва таълимни бир-бирдан ажратиб бўлмайди. Бу икки жараён ўзаро уйғун ва узлуқсиз асосда ташкил этилгандагина юксак таълимий фазилат ва дунёқарашга эга, замонавий касб-хунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшлар етишиб чиқади.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг савиясини ошириш лозим. Зеро, бизга илм-маърифат ва юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ доғишмандлари айтганидек: “Энг катта бойлик — бу ақл-заковат, илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизлик-дир. Замонавий билимларни ўзлаштириш узлуқсиз ҳаётинг ахтиёжга айланиши керак”.

Тарбияга янгича ва тизимли ёндашув, болада таянч фазилатларни қафолатли шакллантириш оила, мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзасга чиқаришни ва улар орасида илмий-методик узвийлиқни янги даражага кўтаришни тақозо этади.

Даҳолар улғаяётган маскан

Президент мактаблари давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан ташкил этилган. Дастлаб 4 та ҳудудда — Нукус, Хива, Наманган ва Тошкент шаҳарларида фаолиятини бошлаган. 2021–2022 ўқув йилидан эътиборан яна 10 та ҳудудда Президент мактаблари очилиб, ҳозир мазкур тизимда 14 та муассаса фаолият юритмоқда.

Ушбу таълим муассасаларида ўқувчиларнинг академик салоҳиятини ўстириш, халқаро профессионал таълим бериш билан бир қаторда, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, етакчилик кўникмасини, Ватанга муҳаббат тўғрисида юксалтириш, нотиклик санъатини ривожлантириш, олинган билимларни амалиётда қўллаш малакасини ошириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, ҳаётга қатъий ишонч ва қарашларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Қарши шаҳридаги 2021 йил 11 октябрда иш бошлаган Президент мактаби бугун, асосан, STEAM (Science, Technology, Engineering, Art ва Mathematics) фанларини ўқитишга ихтисослаштирилган. Яъни ўқувчиларга математика, физика, кимё, биология ва ахборот технологиялари ҳамда хорижий тиллар бўйича илғор таълим методлари асосида чуқур билим берилади. 168 нафар ўқувчи таълим олаётган ушбу зиё маскани замонавий талабларга мос жиҳозланган. Ўқувчиларга малакали мутахассислар сабоқ беради.

Мамлакат тараққиёти кўп жиҳатдан истеъдодли болаларни танлаш, уларни тўғри йўналтириш, қобилиятини ошириш, интеллектуал салоҳиятини намоён этишга кўмак беришга боғлиқ. Ана шу эзгу мақсад билан иқтидорли болаларни аниқлаш, таълим жараёнига илғор технологиялар, услублар ва хориж тажрибасини кенг жорий этиш, уларни ўқитиш ва тарбиялашда яхлит тизим яратиш, истеъдодли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш эртага юрт қорига ярайидиган баркамол фарзандларнинг вояга етишига замин яратади.

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг ривожланишига зарур шароитлар яратиш мақсадида ташкил этилган Президент мактабларида Айжамоли каби энг қобилиятли ўқувчилар танлаб олиниб, илғор таълим методлари асосида чуқур билим берилмоқда. Барча жараён ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилади. Шу билан бирга, мактабларга малакали хорижлик ҳамда маҳаллий педагоглар жалб этилиб, уларнинг фаолияти учун керакли шарт-шароитлар ҳам яратилган.

Мактабда 30 та маҳаллий ўқитувчи билан бир қаторда 7 нафар хорижлик мутахассис ҳам фаолият юритмоқда.

— Дастлабки йили қабул қилинган ўқувчиларимиз ҳозир 8-синфда ўқияпти. Олдинлари улар бизнинг таълим дастурини ўзлаштиришда анча қийналарди, — дейди Президент мактабининг академик директори Лерато Ирин. — Таълим дастуриimizга маҳаллий ўқитувчилар ҳам аста-секин ўрганди. Ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп. Болаларнинг қизиқиши, билими ва салоҳияти жуда юқори.

Бу йил мактабга 2500 ўқувчи ҳужжат топширган бўлса, шундан Кембриж университетининг Cambridge Assessment International Education бренди остида фаолият юритувчи Имтиҳон кенгаши томонидан 24 ўқувчи танлаб олинди. Демак, бир ўринга 100 дан ортиқ ўқувчи беллашди.

— Мен мактабга 2019 йили қабул қилинганман. Ростини айтганда, кўп тайёргарлик кўрдим, — дейди мактабнинг 11-синф ўқувчиси Асадбек Реимбергенов. — Олдинлари инглиз тилини оддий тил деб ўйлардим. Бўғчада, сўнгра инглиз тилига ихтисослаштирилган мактабда таълим олдим. Лекин бу ерга келиб, унинг ўзига хос жиҳатлари кўпчилигини чуқурроқ англадим. IELTS халқаро сертификатига эгаман. Ҳозирги пайтда билимимни синаш учун Швейцария, АҚШ ва Европа давлатларидада олий ўқув даргоҳларига имтиҳонлар топширдим. Натижалари яқин кунларда чиқади. Келажақда шифокор бўлмоқчиман.

Орзу-умидлар мактаби

Президент мактаблари Ватанимизнинг буюк келажагини яратувчи янги авлод вакиллари улғаяётган маскан ҳисобланади. Президент мактабларида мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига кўтарадиган, энг салоҳиятли янги авлод кадрлар тайёрланмоқда.

Нукус шаҳридаги Президент мактаби замонавий лойиҳа асосида 168 ўринга мўлжалланган икки қаватли ўқув биноси, уч қаватли ётоқхона, барча шароитга эга меҳмонхона, гимнастика ва спорт заллари, сув ҳавзаси, ошхона ва дарс тайёрлаш хоналарига эга. Мактабнинг барча жиҳоз ва инвентарлари хориждан келтирилган.

— Бизда таълим олган ўқувчилар бугун дунёнинг энг нуфузли олийгоҳларида ўқиниш давом эттирмоқда. Жумладан, 2021–2022 ўқув йилини тугатган 22 нафар битирувчимиз грант асосида АҚШ, Европа ва Жанубий Кореядаги нуфузли университетларда таҳсил олмақда, — дейди мактаб директори вазифасини бажарувчи Маҳмуд Носиров. — Ўқувчиларимиз дарсдан ташқари кўшимча робототехника, дастурлаш, миллий қолғу асбоблари, компьютер дизайни, фото-видео монтаж, нотиклик санъати, актёрлик маҳорати ва



Айжамолининг талабчанлиги, қизиқувчанлиги, беғубор кичкина қалбининг катта меҳрга тўла эканлигини қўриб ҳавасингиз келади. У Қораўзак туманининг энг чека қишлоқларидан бирида, педагоглар оиласида дунёга келган. Турмуш ўртоғи-дан ажралган она фарзандлари учун ҳам ота, ҳам оналик масъулиятини зиммасига



олди. Айжамоли эса укасига қарайди, онасига уй юмушларида кўмаклашади. Унинг Президент мактабида ўқишга иштиёқи юқори эди. Онасининг қаршилигига қарамай, бахтини бир синаб кўриш илинжида имтиҳонда иштирок этишга рухсат олди.

— Президент мактабида ўқийман, деб ҳаёлимга ҳам келтирмагандим. Чунки онам ва кичкина укамни ташлаб, олисга кетмасдим, — дейди Айжамоли. — Имтиҳон пайтида баъзи саволларга нотўғри жавобларни белигладим. Лекин шунга қарамадан, ўқишга иккинчи бўлиб қабул қилинган эканман.

Акбар РАҲМОНОВ,
Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари



16 НОЯБРЬ — ХАЛҚАРО БАҒРИКЕНГЛИК КУНИ

ИСЛОҲОТЛАР ВА ТАШАББУСЛАР ЭЪТИРОФИ

Илҳом МАЪРУПОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмита раиси маслаҳатчиси

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини жадал тараққий эттириш, мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига қўшиш сари катта қадамлар ташланиб, эзгу ташаббуслар илгари сурилмоқда.



Жумладан, турли диний конфессия вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик каби ришталарни янада мустаҳкамлаш, улғу алоқаларининг бой илмий меросини ўрганиш, ислом динининг тинчликпарвар ва маърифатга асосланган таъминининг қарор топтириш борасидаги ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак баҳоланяпти.

Мамлакатда фуқароларнинг виждон эркинлиги соҳасидаги конституцион ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда диний бағрикенглик ва динлараро дўстлик-ҳамкорлик ғояларини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши — хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тўтувликка бағишлангани ҳам мазкур масалага давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралишини билдирса, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси дастурининг 5-йўналиши доирасида Жамиятда миллатлараро тўтувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш масаласи алоҳида мақсад сифатида баён этилгани — ушбу йўналиш алоҳида масала сифатида мунтазам эътиборда эканини кўрсатади.

Шундан келиб чиқиб, тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан фуқароларнинг Конституция билан қафолатланган виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш ҳамда диний бағрикенглик ва миллатлараро тўтувликни мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жами **2335 диний ташкилот** адлия идоралари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган. Шундан 2 139 таси исломий, 174 таси христиан диний ташкилоти, 8 таси яҳудий, 6 таси баҳоий жамоалари, 1 таси қиришани ағлаш жамияти, 1 таси буддавийлар ибодатхонаси ва 1 таси Ўзбекистон Библия жамиятидир.

Дин ишлари бўйича қўмита ҳузуридаги Конфессиялар ишлари кенгашининг таркибида Ўзбекистонда фаолият юритаётган диний конфессиялар вакиллари аъзолари 9 тадан 17 тага кенгайиб, ҳозир ушбу кенгашнинг йигилишлари йилга икки марта ўтказилаётганини аниқлик сифатида эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Диний бағрикенглик борасидаги ислохотлар ҳақида гап кетганда, жорий йилнинг 5 июль куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунини алоҳида қайд этиш лозим.

Ушбу қонун конфессиялараро тўтувликни таъминлаш, жамиятда турли дин ва эътиқод вакиллари ўртасида ўзаро бағрикенглик, ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонундаги принципал янгиликлар ҳақида гапирганда, улар диний-маърифий соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг изчил давоми сифатида, аввало, ҳар бир инсоннинг виждон эркинлигини таъминлаш учун қулай шароитларни яратишга, ҳуқуқни қўллаш амалиётига аниқликлар киритишга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш ўринлидир.

Қонун асосида диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш билан боғлиқ тартиб соддалаштирилиб, бу борада муҳим енгиликлар жорий этилди.

Хусусан, маҳаллий диний ташкилотлар, жумладан, масжидлар ва бошқа конфессиялар ибодатхоналарини ташкил этиш бўйича ташаббуслар қўқаролар сони икки баробар қамайтирилиб, 50 нафардан кам бўлмаган этиб белгиланди. Шунингдек, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органи ва диний таълим муассасаларини тузиш учун ҳам 100 нафар ташаббуслар бўлиши ҳақидаги талаб бекор қилинди.

Республикада турли динларга эътиқод қилувчи инсонларнинг барча ибодат ва маросимларини эмин-эркин бажариб, диний байрамларини кенг миқёсда нишонлаши учун ҳам ҳар томонлама имкониятлар яратиб берилмоқда. Жумладан, мусулмонларнинг икки Ҳайит байрами, насронийларнинг Пасха ва Рождество, яҳудийларнинг Пейсах, Пуриим ва Ханука байрамлари кенг нишонланмоқда. Ушбу саналарда конфессия

етақчиларининг бир-бирини ўзаро байрам билан таъриқлаши яхши анъанага айланган.

16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик куни муносабати билан турли диний конфессия вакиллари, хорижий давлат ва халқаро ташкилотлар масъуллари иштирокида ҳар йили халқаро конференция ўтказилар эди. Сўнгги йилларда мазкур сана муносабати билан турли конференция ва анжуманлар, давра суҳбати ва учрашувларни ўз ичига қамраб олган “Бағрикенглик ҳафталиги”нинг жорий этилгани, шубҳасиз, жамиятда бағрикенглик ғояларининг мустаҳкамланиши, турли миллат ва элпат ҳамда диний конфессия вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистондаги диний эркинлик, динлараро барқарорлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш борасида жиддий қадамлар ташлангани, бу борадаги ижобий ўзгаришлар халқаро ҳамжамият эътиборига тушди.

Халқаро диний эркинликлар соҳасидаги бир қатор экспертлар, соҳа мутахассислари мамлакатимизга таърифи чоғида диний эркинликни таъминлаш, амалдаги нормаларни соддалаштириш, радикализмга қарши курашиш, қолаверса, маърифий ислом ғояларини илгари суриш борасидаги амалий ишларга ўзлари бевосита гувоҳ бўляпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, юртимизда минглаб мақмуларнинг афе этилиши, фуқароларнинг турли рўйхатлардан чиқарилиши, диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш тартиби соддалаштирилиши, шунингдек, “Мехр” операциялари доирасида моҳароли ҳудудлардан аёллар ва ёш болаларнинг юртимизга олиб келиниши, диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларининг соддалаштирилиши экспертлар томонидан юқори даражадаги ислохотлар сифатида эътироф этилмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон диний соҳадаги “Алоҳида ташвиш тугдирадиган давлатлар” рўйхатидан чиқарилгани ҳам бу борадаги ишларнинг ёрқин амалий ифодасидир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистондаги диний бағрикенглик борасидаги фаолият дунёдаги кўп конфессияли мамлакатларга намуна қилиб қўрсатса арзийдиган даражада экани халқаро экспертлар, турли диний конфессия раҳбарлари томонидан баралла янграмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги илғор ташаббуслари халқаро ҳамжамиятнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тақлифига кўра, 2018 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида ташкилотга аъзо 193 мамлакат томонидан ақидиллик билан қабул қилинган “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини шулар жумласига қиритиш мумкин.

Мазкур резолюция жаҳонда экстремизм, терроризм муаммоси авж олиб, турли дин ва эътиқод вакилларига нисбатан тоқатсиз, муросасиз муносабатлар қузатилаётган бир вақтда глобал таҳдидларга қарши курашишни самарали воситаси сифатида маърифат, таълим-тарбия масаласини илгари сургани, барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашиш, энг муҳими, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлашга қаратилгани билан жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортгани янада аҳамиятли.

Жорий йил 16-20 май кунлари Тошкент ва Бухоро шаҳарларида “Декларациялар мулоқоти” халқаро форуми бўлиб ўтди. Тадбирда ўнга яқин давлат, жумладан, АҚШ, Англия, Австрия, Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Индонезия, Нигерия, Гана каби мамлакатларнинг 30 дан ортиқ таникли илоҳиётшунос, диний уламо ва расмий мутасадди вакиллари иштирок этди.

Форум доирасида кўп миллатли жамиятда конфессиялараро мулоқотни ривожлантириш соҳасида тажриба алмашши, диний эркинлик масаласида қонун устуворлигини таъминлаш, турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлаш бўйича илғор амалиёт билан танишиш юзасидан илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Форум якуни бўйича “Бухоро декларацияси” қабул қилинди. Ҳужжатда Ўзбекистон таърибасидан келиб чиқиб, жаҳон ҳамжамияти билан дунёда маърифат ва диний бағрикенглик таъминлашнинг қарор топтириш, шунингдек, турли динлар ўртасидаги мулоқотни кучайтиришга бўлган қачирик ифодалангани ҳам юртимиздаги бағрикенглик сиёсатининг нақадар тўғри ўзанда кетаётганига аққол далилидир.

Ҳулоса қилиб айтганда, кўп конфессияли давлатлар, хусусан, Ўзбекистонда диний бағрикенглик борасидаги ёндашувлар ва қарашларга янгича нигоҳ билан назар ташлаш, ушбу йўналишдаги фаолиятини тизимли ва тартибли ташкил этишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Ўзбекистон таърибаси ва ушбу йўналишдаги ислохотлар то мазънода ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатдаги турли конфессия вакиллариининг ўзаро аҳил, иноқ ва ҳамжиҳатликда фаолият юритишига асос бўлаётди.

Пировардида, юртдаги тинчлик ва осойишталикни таъминлаш ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга эришилмоқда.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official

ИЛМ-ФАН ФИДОЙИЛАРИ

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИ ДОНИШМАНДИ



Замонамиз алломалари орасида шундай инсонлар борки, улар бир умр ўзлари танлаган йўлда, фан йўналишида муттасил изланиб, янги-янги ютуқларни халқига инъом этиб боради. Бундай закийлар мансаб-мартаба, хою ҳавас, амал, бойлик-сарватмандликка бефарқ қарайди, ҳирс қўймайди. Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Натан Маллаев ана шундай шахслар сирасига кирилади.

Нуктадон мунаққид, Шарқ адабиётининг донишманди, мутаржим, забардаст навоийшунос 1922 йил 22 январда Тошкент шаҳрида зиёли оилада таваллуд топди. Урта мактаб хатмидан сўнг Педагогика билим юртида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олди. Ўқиб жараёнида Олим Шарафиддинов, Мақсуд Шайхзода, Абдурахмон Алимҳамедов сингари йirik адабиётшунослар назарига тушди. Олий таҳсилдан кейин институт аспирантурасида ўқишга қўйрилган Натан Маллаев 1948 йили машур адиб Мақсуд Шайхзода раҳбарлигида "Мунис Хоразмийнинг ҳаёти ва ижодий мероси" мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилди.

Шундан сўнг олим Хоразм давлат педагогика институтига, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да ҳамда умрининг охиригача (1996 йил) Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудири сифатида фаолият кўрсатди, ёш тадқиқотчилар, аспирантлару докторантларга устозлик қилди.

Ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида эътиборан Натан Маллаев бутун

диққат-эътиборини Шарқ халқлари мумтоз адабиётини янада чуқур ўрганишга қаратди: адабиёт тарихи бўйича дастур ва мажмуалар тузди. 1953 йили ўрта мактаблар учун "Ўзбек адабиёти тарихи" дарслигини битди. "X-XII асрлар адабиёти" рисоласини яратди. Ундан кейинги йилларда ўзбек мумтоз адабиётининг кам ўрганилган манбалари бўйича бир қанча мақолалар ёзди, қадимий, бой адабиётимизга оид қўллаб-қўллама нусхаларни қўздан кечириб, манокниб ва таъкирларни ўрганди.

Натижада университетларнинг филология факультетлари талабалари учун "Ўзбек адабиёти тарихи" дарслиги (1-китоб) юзга келди. Ўзоқ йиллар давомида олий ўқув юртиларимизда барқарор дарслик сифатида хизмат қилган бу китобнинг шу тизимдаги бошқа дарсликлардан тув фарқи бор эди. Дарсликни ёзишда муаллиф, бир томондан, ҳамкасбларининг тадқиқотларидаги фикр, мулоҳазаларни ягона тизимга солиб, изчил ва оммабоп тарзда баён қилган бўлса, иккинчи томондан, "Қутадгу билиг", "Ҳибат ул-ҳақойик", "Мифтоҳ ул-адл", Навоийнинг насрий асарлари, "Девони Фоний"сидан намуналарни илк бор истеъмолга киритиб, кенг ўқувчилар оммасига таҳлилий

тақдим этган эди. Шунинг учун дарслик қайта-қайта нашр этилди.

Ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталаридан эътиборан Натан Маллаев буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва шу йўлда шоғирдлар тайёрлашга ҳам жиддий эътибор берди: олим Навоий асарларининг 15 жилдлик ўзбекча, 10 жилдлик русча нашрларини тайёрлаш ва чоп этиришда фаол қатнашди. Ўзбекистон давлат адабиёт музейини ташкил қилишда устоз Ҳамид Сулаймонга яқиндан қўмаклашди. Ана шу йиллар давомида Н.Маллаев "Навоий ижодининг халқчил негизи", дунё навоийшунослиги тарихи ҳақида "Асрлар эътирофи ва таъзиими", "Навоий ва халқ оғзаки ижоди" (ўзбек ва рус тилларида), "Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири" (ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида) каби рисола ва монографияларини эълон қилди. "Навоий лирикиси" китобини нашрга ҳозирлади.

1978 йили олим "Навоий ва халқ оғзаки ижоди" тадқиқоти учун филология фанлари доктори илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. Кенг қамровли мазкур монография, айниқса, икки жиҳатдан ғоят қимматлидир. Биринчидан, олим ушбу фундаментал илмий асари билан ўзбек адабиётшунослигида мумтоз адабиёт ва халқ оғзаки ижоди деган янги илмий йўналишни бошлади, ёзма адабиётнинг оғзаки ижодга, оғзаки ижоднинг ёзма адабиётга таъсири масаласининг назарий муаммоларини ҳал қилиб берди.

Иккинчи томондан эса олим халқ оғзаки ижоди бисотидаги баракали фазл топан даҳо сўз санъаткори Навоий "Ҳамса"си таркибидagi дostonлар сюжетининг оғзаки ижоддаги илдиэларини аниқлашга муваффақ бўлди, асарларнинг кенг халқ оммаси орасига нечоғлиқ сингиб кетганини илк бор илмий нуқтаи назардан таҳлил қилди. "Ҳамса" дostonларининг қайта яратилган вариантлари, XVI аср ёзувчиси Умар Боқий томонидан қайта ижод этган насрий нусхалари анча батафсил, бадий маҳорат, анъана ва ўзига хослик жиҳатидан текширилиб, назарий умумлаштирилди. Олим Умар Боқий қиссаларининг Навоий дostonлари сюжетига қай даражада яқинлигини, айна пайтада фарқли жиҳатларини зуқулки билан аниқлаи олган. Ана шу асарида муаллиф ношир ва адиб Мир Маҳдум томонидан яратилган "Насри Ҳамсаи беназир" ҳақида маълумот берди. Ўзбекистон фан арбоби Н.Маллаевнинг Навоий ижодига бағишланган сўнгги асари "Сўз санъатининг гултожи" монографиясидир. Бу асар кенг илм-адаб ахлига "Ҳамса"нинг беш дostonи ҳақида яхлит, лўнда илм-маърифат берадиган асар сифатида ўзига хос қимматга эгадир.



Профессор Натан Маллаев қардош халқлар адабиётининг толмас тадқиқотчиси ва тарғиботчиларидан бири эди. Унинг Рудакий, Ғузулий, Фирдавсий, Жомий, Махтумқули, Абай каби буюк мутафаккирлар ҳақидаги илмий мақолалари ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ илм ахли томонидан эътироф этилган. Олимнинг озар, форс-тожик, уйғур адабиётига доир қўллаб мақолалари турли тўпламлар, энциклопедиялардан ўрин олган. Гарчи "X-XII асрлар адабиёти" монографиясида озар ва форс-тожик мумтоз адабиёти намоёндалари ижодига анча кенг ўрин берилган бўлса ҳам, унинг бу соҳадаги дастлабки алоҳида монографияси "Абулқосим Фирдавсий" бўлди.

Гарчи машур шарқшунослар Садриддин Айний, Е.Э.Бертельс, И.С.Брагинский, Н.Н.Осмоновнинг Фирдавсий ҳақидаги тадқиқот ва монографиялари эълон қилинган бўлса-да, ўзбек адабиётида дунё эпик шеърятининг гултожи "Шоҳнома" ва унинг муаллифи ҳақида муқаммал, яхлит маълумот берадиган китоб ҳали мавжуд эмас эди. Рисоланинг яна бир қиммати шундаки, муаллиф таҳлил давомида "Фирдавсий ва ўзбек адабиёти" муаммосини кўзга, "Шоҳнома"нинг Нурмухаммад Бухорий, Хомийнинг ҳамда Шоҳ Ҳижрон томонидан ўзбек тилига қисман ва тугал тарзда назм ва насрда — халқ китоблари йўлида таржима қилинганлиги ҳақида илк дафъа маълумот эълон қилган. Очилдимурод Мирийнинг "Рустам ва Сухроб" дostonининг оригиналиги ҳақида ҳам устоз тўлқинланиб гапириб юрарди.

НАТАН МАЛЛАЕВ АДАБИЁТИМИЗ ТАРИХИНИНГ СЕРМАХСУЛ ТАДҚИҚОТЧИСИ, МАНБАШУНОС ВА НАЗАРИЁТЧИСИ, МАОРИФИМИЗ ДАРҒАЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА СОҲА ХОДИМЛАРИ, ШОҒИРДЛАРИ САФИДА ҲАМОН ТИРИҚДИР. ЧУНКИ У ХАЛҚҚА ИЛМ ТАРҚАТГАН, КИТОБ ИНЪОМ ЭТГАН, КОМИЛ ШОҒИРДЛАР ТАЙЁРЛАГАН БЕНАЗИР ИНСОН ЭДИ.

Ўрта мактаб ҳамда олий ўқув юртилари учун ёзилган дарсликларига Н.Маллаев Низомий Ганжавий, Ғузулий ҳақида фикр юритган. Кейинчалик эса озар адабиётига бўлган бу қизиқиш олимнинг "Низомий ижодининг илмий-маърифий қиммати" деган қўлланмаси билан яқун топди. Бу китоб илмий-оммабоп йўналишда битилган. Олим асосий эътиборни Низомий "Панж ганж"и таркибидagi дostonларда таълим-тарбия, илм ўрганиш, қасб эғалаш, комил инсонни тарбиялаш борасидаги қарашларни чуқурроқ таҳлил қилишга эътибор берган.

Айни пайтада олим Низомий "Ҳамса"сининг ўзбек халқ маънавияти хазинасига кириб келиши, "Панж ганж" дostonларининг Қутб, Ҳайдар Хоразмий, Огаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилиниши, шоир меросининг Навоийдан тортиб қўпгина ижодкорларга фазл бағишлагани ҳақида ихчам, аммо зарур маълумот берган. Ўша йиллариёқ устоз Навоий ва Низомий муаммосини, шоир дostonларининг ўзбекча таржималарини қисий-типологик йўналишда ўрганиш лозимлигини таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам бу масалалар шоғирдлари Н.Абдуллаев, М.Ғанихонов кабилар томонидан тадқиқ этилди. Бугина эмас, профессор Н.Маллаев раҳбарлигида рус, қирғиз, тожик, қозоқ халқларининг бир неча иқтидорли йигит-қизлари қардош халқлар адабиётининг муҳим муаммолари бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Натан Маллаев мумтоз адабиётимизнинг қардош халқлар адабиётининг толмас тарғиботчиси ва таржимони ҳамдир. Унинг бевосита раҳбарлигида қардош халқлар адабиётининг, адабий алоқаларнинг муҳим муаммоларига бағишланган бир неча илмий тўпламлар чоп этирилган эди. У Садриддин Айнийнинг "Қисқача таржимаи ҳолим" асарини, тожик ёзувчиси Сотим Улуғзода-данинг "Рудакий" драмасини ўзбекчага ўгирган. Бу ўғирмаларда мутаржим ёзувчи услубининг ўзига хос жиҳатларини, бадий тасвирдаги маҳоратини сақлашга муваффақ бўлган. Шу боис, "Қисқача таржимаи ҳолим" бир неча марта қайта нашр этилган. Шунингдек, олим Жомий "Бахористон"идан бир



неча бобни ҳам ўзбек тилига таржима қилган ва мажмуаларга киритган.

2020 йил "Мумтоз сўз" нашриёти Н.Маллаев архивининг каталогини оммалаштирди. Китобдаги далилларга қараганда, олим форс-тожик адабиёти намоёндаларининг ҳаёти ҳамда мероси ҳақида яна ўнлаб илмий мақолалар, "Абдурахмон Жомий", "Навоий ва Жомий" рисоаларини ёзган экан. Бу битиклар ҳам ўз тадқиқотчиларини қутмоқда. Ана шунда бизнинг бу борадаги тасаввурларимиз янада теранлашади, деб ўйлаймиз.

Хулоса шуки, Натан Маллаев адабиётимиз тарихининг сермахсул тадқиқотчиси, манбаунос ва назарийчиси, маорифимиз даргаларидан бири сифатида соҳа ходимлари, шоғирдлари сафида ҳамон тириқдир. Чунки у халққа илм тарқатган, китоб инъом этган, комил шоғирдлар тайёрлаган беназир инсон эди.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
филология фанлари
доктори, профессор

ЎЗЛИГИМИЗ КЎЗГУСИ

МИЛЛАТНИНГ РУҲИ ВА НУРЛИ БОҒИЧИ

Акmal РЎЗИТОВЕВ,
Тошкент шаҳар ҳокими маслаҳатчиси

Сўнгги йилларда мамлакатимизда она тилимизнинг ривож, равнақи, барқарорлиги йўлида бажарилаётган кенг қамровли ишларни кўзимиз билан кўриб, кузатиб, иштирокчисига айланиб турибмиз. Пойтахт Тошкентда ҳам бу борада самарали ишлар олиб борилмоқда.

Шаҳар кўчаларида қад ростлаган улкан иншоотлар, кўркам бинолар номланишидаги хатоликлар, хорижий тилларда ёзилган ғализ жумлалар, пешлавлардаги тушунарсиз ҳолатларни бартараф этиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси.

Туман ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан бозор ва кўчалар, жамоат жойларида учраётган реклама, таъшиқ ёзувлар мунтазам ўрганиб борилмоқда. Ўрганиш жараёнидаги нохуш ҳолатлар учун объект эгаларига оғохлантириш хатлари берилиб, тушунтириш ишлари доимий равишда олиб борилади.

Амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар натижасида Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидаги реклама баннерлари қарийб тўлиқ лотин ёзувида ва давлат тилида тақдим қилинмоқда.

Шу ўринда яқинда қабул қилиниб, қучга кирган реклама тўғрисидаги қонун ҳам давлат тилининг нуфузини оширишга бевосита хизмат қилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. "Давлат тили ҳақида"ги қонун талабларига қўра, шаҳар ҳудудида жойлашган барча бино ва иншоотларнинг номлари, реклама эълонлари лотин алифбосига асосланган ўзбек тилида ёзилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Аммо, афсуски, ҳали-ҳамон баъзи тадбиркор ва ишбилармонлар давлат тили тўғрисидаги қонун талабларига



беписандлик ва эътиборсизлик билан қарамоқда. Бозорлар ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида фаолият юритаётган айрим тадбиркор ва ишбилармонларнинг она тилимизга беписанд муносабати кенг жамоатчилик вакилларида сезиларли таъсир қилишини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки улар бевосита халқ билан мулоқот қилади, халқнинг орасида бўлади.

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги янги таҳрирдаги қонунининг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, янги жорий этилган норма — рекламаларнинг давлат тилида бўлиши, бу борада жамоатчилик ва депутатлик назоратини қучайтиришга доир давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда депутатларнинг давлат тилига оид ишлар ижроси ва назорати юзасидан қизгин фикр, мулоҳазалари, таклиф ва эътирозлари тинланди.

Давлатимиз раҳбари ҳам деярли ҳар бир чиқишда юртимиз дунёга юз тутмоғи учун, аввало, она тилимизнинг нуфузини янада ошириш, унга эътиборни қучайтириш зарурлиги ҳақида кўп таъкидлайди. Дарҳақиқат, тил — миллият кўзгуси, эркин ҳаётимизнинг нури бoғичидир. Реклама тўғрисидаги қонуннинг қучга кириши эса эзгу ишларимизнинг амалий натижаси ва давоми эканлиги айна ҳақиқатдир.

Реклама — давлат тилининг кўзгуси, давлат тилининг даражасини белгилочи яқол восита десак, муҳолага қилмаган бўламыз. Айниқса, пойтахт



кўчаларида катта ва кичик LED экранларда ял-ял товланаётган турли мазмундаги рекламалар юртимизга келган ҳар бир хорижликнинг эътиборини тортиши турган гап.

Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти йилдан-йилга ортар экан, она тилимизнинг барқарорлиги, адабий тилдаги жамоавий мулоқотларнинг расман йўлга қўйилиши халқимиз кайфиятига ижобий таъсир қилишини ёддан

чиқармаслигимиз ва қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашимиз ниҳоятда муҳим.

Тил соҳасида олиб борилаётган изчил ишлорлар, амалга оширилаётган эзгу ишлар келажак авлодни юртга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга, Ўзбекистонда давлат тилини тўлақонли жорий этиш ва таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга қорлайди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлэзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфдик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1164.
81039 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Хайриддинмурод Абулфайзов
Мусаххич: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқуни — 00:45 Топширилди — 02:35

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz